



## ШОЛИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Абидохунов Дилмурод Тожирахмедович**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч  
докторанти*

**Аннотация:** Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида шолини такрорий экин сифатида етиштиришда бегона ўтларга қарши гербицид турлари ва меъёрларининг самарадорлиги ўрганилди.

**Аннотация:** Изучена эффективность видов и доз гербицидов против сорняков при возделывании риса как повторной культуры в условиях луговых почв Андижанской области.

**Abstract:** Effectiveness of types and rates of herbicides against weeds in the cultivation of rice as a repeated crop in the conditions of meadow soils of Andijan region was studied.

Барчага маълумки, инсон томонидан экилмайдиган, аммо экинлар орасида ўсиб, уларга зарар етказадиган ўсимликларга бегона ўтлар дейилади. Бегона ўтлар – ҳақиқий ва шартли бегона ўтларга бўлинади. Ҳақиқий бегона ўтлар - бу экинлар орасида ўсадиган ёввойи ўтлардир. Шартли бегона ўтлар - етиштирилаётган экиннинг у ер, бу ерида учрайдиган маданий ўсимликлардир.

Баъзи бегона ўтлар - алоҳида экин орасида ўсишга мослашган. Бегона ўтлар - қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказади. Улар ҳосил миқдори ва сифатини пасайтиради. Бегона ўтлар туфайли дунёда ҳар йили 20 млрд доллар атрофида зарар кўрилади. Ўзбекистонда бегона ўтлар келтираётган зарари натижасида ҳар йили пахта ҳосили 15-20%, сабзаёт экинлари ҳосилдорлиги 10-20% гача камаймоқда. Ялпи харажатларнинг сезиларли қисми бегона ўтларни йўқотишга сарф қилинмоқда.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда 2022 йили Андижон вилоятининг Избоскан тумани тупроқ-иқлими шароитида такрорий экин сифатида шоли етиштиришда бегона ўтларга қарши кимёвий кураш тизимини ишлаб чиқиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Дала тажрибалари Андижон вилоятининг Избоскан тумани тупроқ-иқлим шароитида олиб борилади. Ўтлоқи тупроқлар вилоят ҳудудида бошқа суғориладиган тупроқларга нисбатан энг кўп тарқалган тупроқлар ҳисобланади. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус 0,9–1,9 оралиғида ўзгариб туради. Азот эса 0,05–0,12% ни ташкил этади.

Тажриба 14 та вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда, тўрт ярусда жойлаштирилади. Тажриба даласида битта пол кенлиги 6,0 м, узунлиги 30 м. Ҳар бир вариант майдони 180 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинadиган майдон 90 м<sup>2</sup>.





Тажрибаларнинг умумий майдони 1,0 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:буғдой) алмашлаб экиш тизимида такрорий экин сифатида олиб борилади.

1-жадвал

### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

Вар.	Гербитсид номлари	Сарф, миқдори г/га, л/га, т/га, дона/га
1	Назорат (хеч қандай тадбир бажарилмайди)	-
2	Топ-шот (т.э.м: сигалофоп-бутил+пенуксулам) андоза	3,0 л/га
3	А-клин (20%)+базагран	1,0+3,0 л/га
4		1,3+3,0 л/га
5		1,5+3,0 л/га
6	Туронстар (20%)+базагран	1,0+3,0 л/га
7		1,2+3,0 л/га
8		1,5+3,0 л/га
9	Ксевелло	1,0 л/га
10		1,2 л/га
11	Слиппер 200 СЛ+базагран	1,0+3,0 л/га
12		1,5+3,0 л/га
13	Ренбо +	1,0 л/га
14		1,2 л/га

Тажриба тизимида кўрсатилган гербицид миқдорлари шоли кўчатининг 18 кунлик бўлганида пуркалади.

Барчага маълумки, уруғларнинг униб чиқиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, шулардан асосийлари намлик, иссиқлик, ёруғлик ҳисобланади. Аммо униб чиққан кўчатларни яшовчанлигига тупроқ муҳити ва иқлим шароити катта таъсир ўтказди. Шу билан бирга кўчат қалинлиги бу ҳосилдорликни белгилашда асосий ўринни эгаллаши хеч кимга сир эмас.

Биз ҳам тажриба олиб бориш давомида вариантларида етиштирилаётган шоли ўсимлигининг кўчат сонига қўлланилган гербицидлар турлари ва қўллаш меъёрларининг таъсирини аниқлаш мақсадида фенологик кузатувларимизни олиб бордик.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кўчатларнинг униб чиқиши таҳлил қилинганида бир-биридан деярли фарқ қилмаганлиги кузатилди. Аммо амал даври охирида вариантлар кесимида кўчат қалинлиги ўрганилганида қўлланилган гербицид турлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда кескин фарқлар кузатилди.

Жумладан, амал даври охирига бориб, гербицил қўлланилмаган 1-вариантда кўчат қалинлиги таҳлил қилинганида, 1 м<sup>2</sup> да кўчат қалинлиги ўртача 194,3 донани ташкил этиб, вегетация даври давомида нобуд бўлган кўчатлар миқдори 32,8% ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, бегона ўтларга





қарши Топ-шот (т.э.м: сигалофоп-бутил+пенуксулам) гербициди қўлланилган 2-вариантда амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги аниқланганида 257,8 дона/м<sup>2</sup> ни кўрсатиб, амал даври бошига нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 10,3% га тўғри келганлиги аниқланди. Аммо шундай бўлсада гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан амал даври давомида нобуд бўлган кўчатлар миқдори 22,5% га камайиб, кўчат қалинлиги 63,5 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Тажрибанинг А-клин (20%)+базагран гербициди 1,0+3,0 л/га; 1,3+3,0 л/га; 1,5+3,0 л/га меъёрлари қўлланилган 3-4-5 вариантларида кўчат қалинлиги таҳлил қилинганида, 1 м<sup>2</sup> да ўртача 262,3-267,8-263,9 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан нобуд бўлган кўчатлар миқдори 23,7-25,4-24,8% гача камайиб, хақиқий кўчат қалинлиги 68,0-73,5-69,6 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги кузатилди.

Гербициднинг Туронстар (20%)+базагран турлари 1,0+3,0 л/га; 1,2+3,0 л/га; 1,5+3,0 л/га меъёрлари қўлланилган 6-7-8 вариантларининг амал даври охиридаги хақиқий кўчат қалинлиги таҳлил қилинганида, ўртача 260,1-263,5-264,6 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан амал даври давомида нобуд бўлган кўчатлар миқдори 23,1-24,5-24,3% га камайиб, хақиқий кўчат қалинлиги 65,8-69,2-70,3 дона/м<sup>2</sup> гача юқори бўлганлиги аниқланди.

Ксевелло гербициди 1,0 л/га ва 1,2 л/га меъёрларда қўлланилган 9-10 вариантлар таҳлил қилинганида эса хақиқий кўчат қалинлиги ўртача 257,8-261,6 дона/м<sup>2</sup> га тенг бўлиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан ўсув даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиши 22,3-24,0% гача камайиб, хақиқий кўчат қалинлиги 63,5-67,3 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Гербициднинг Слиппер 200 СЛ+базагран тури 1,0+3,0 л/га ва 1,5+3,0 л/га меъёрлари қўлланилган 11-12 вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги ўрганиб чиқилганида, ўртача 260,0-265,5 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан ўсув даври давомида





2-жадвал

Шоли ўсимлигини кўчат қалинлигига гербицид турлари ва қўллаш меъёрларининг таъсири

Вар.	Гербицид номлари	Сарф, миқдори г/га, л/га, т/га, дона/га	Улиб чиққан кўчатлар сони, дона/м <sup>2</sup>	Амал даври давомида нобуд бўлган кўчатлар, %	Амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги, дона/м <sup>2</sup>
1	Назорат (ҳеч қандай эддер бажарилмайдн)	Гербицид қўлланилмаган	289,2	32,8	194,3
2	Топ-шот (т.э.м. сингалофон- бутил+пипукусулам) шлоза	3,0 л/га	287,4	10,3	257,8
3	А-клин (20%)+базагран	1,0+3,0 л/га	288,6	9,1	262,3
4		1,3+3,0 л/га	289,2	7,4	267,8
5		1,5+3,0 л/га	286,8	8,0	263,9
6	Туронстар (20%)+базагран	1,0+3,0 л/га	288,0	9,7	260,1
7		1,2+3,0 л/га	287,4	8,3	263,5
8		1,5+3,0 л/га	289,2	8,5	264,6
9	Ксевопто	1,0 л/га	288,0	10,5	257,8
10		1,2 л/га	286,8	8,8	261,6
11	Слиппер 200 СЛ+базагран	1,0+3,0 л/га	288,6	9,9	260,0
12		1,5+3,0 л/га	288,0	7,8	265,5
13	Ренбо +	1,0 л/га	289,2	10,9	257,7
14		1,2 л/га	287,4	9,5	260,1

нобуд бўлган кўчатлар миқдори 22,9-25,0% га кам бўлиб, хақиқий кўчат қалинлиги 65,7-71,2 дона/м<sup>2</sup> га юқори бўлганлиги кузатилди.

Тажрибада Ренбо + гербициди 1,0 л/га ва 1,2 л/га меъёрларда қўлланилган 13-14 вариантларда кўчат қалинлиги ўрганилганида хақиқий кўчат қалинлиги ўртача 257,7-260,1 дона/м<sup>2</sup> га тенг бўлиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан амал даврида нобуд бўлган кўчатлар миқдори 21,9-23,3% га камайиб, хақиқий кўчат қалинлиги 63,4-65,8 дона/м<sup>2</sup> га кўп бўлганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, шоли кўчатларини бегона ўтлар таъсирида кам зарарланиши ва ўсув даври давомида кўчатлар кам нобуд бўлиши гербициднинг А-клин (20%)+базагран турлари 1,3+3,0 л/га ва 1,5+3,0 л/га меъёрларда, Туронстар (20%)+базагран турлари 1,2+3,0 л/га меъёри ҳамда Слиппер 200 СЛ+базагран турлари 1,5+3,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантларда кузатилиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан кўчатларнинг нобуд бўлиши 24,5% дан 25,4% гача камайиб, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги 69,2 дона/м<sup>2</sup> дан 73,5 дона/м<sup>2</sup> гача юқори бўлганлиги кузатилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Т. 2007. Б. 1-131.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.: Агропромиздат 1985. С. 223-256.
3. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. СоюзНИХИ. – Т. 1973 С. 1-225.
4. Методы агрохимических исследований почв Средней Азии” М. 1973. С. 135.





5. Немченко В.В., Филиппов А.С., Замятин А.А. Система борьбы с корнеотпрысковыми сорняками в Заурале // Защита и карантин растений. – М., - 2012.- № 3 –С. 5.

6. Юлдашев А. Алиматов Д. Бир йиллик бегона ўтларга қарши “Самурай” гербитсидини қўллаш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. №11. Б. 22.

